



WORD COMBINATIONS IN SECONDARY NOMINATION OF COMPUTER AND INTERNET TERMS

Dilfuzakhan S. Saidkodiroya

Associate Professor, PhD.

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: denomination, secondary denomination, phrase, syntax, term, terminology, system

Received: 10.02.23

Accepted: 12.02.23

Published: 14.02.23

Abstract: As the term fulfills tasks such as separating clear concepts in the fields of science, technology, art, and setting boundaries between them, it keeps its terminological character only within one terminological system. The difference in the definition of the term is often explained by the fact that the term can be more than one object of science at the same time. In the article, it is analyzed that the syntactic method of term creation dominates the derivation system of computer and internet terms in the Uzbek language.

КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ТЕРМИНЛАРИ ИККИЛАМЧИ НОМИНАЦИЯСИДА СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Дилфузахон С. Саидкодирова

доценти, PhD.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: номинация, иккиламчи номинация, сўз бирикмаси, синтаксис, термин, терминология, тизим

Аннотация: Термин илм-фан, техника, санъат соҳаларидаги аниқ тушунчаларни бир-бирдан ажратиш, улар ўртасида чегара қўйиш каби вазифаларни бажарар экан, у бир терминологик система ичидагина ўзининг терминлик хусусиятини сақлайди. Терминни таърифлашдаги турли-туманлик кўпинча термин бир вақтнинг ўзида бир нечта фан объекти бўла олиши билан изоҳланади. Мақолада ўзбек тилида компьютер ва интернет терминларнинг деривацион тизимида термин яшашнинг айнан синтактик

ЛЕКСИКА ВО ВТОРОЙ КАТЕГОРИИ КОМПЬЮТЕРНЫХ И ИНТЕРНЕТ-ТЕРМИНОВ

Дильфузахан С. Саидкодирова

Доцент, PhD.

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: наименование, вторичное наименование, словосочетание, синтаксис, термин, терминология, система.

Аннотация: Выполняя задачи отделения отдельных понятий в областях науки, техники и искусства друг от друга, установления границ между ними, термин сохраняет свой терминологический характер только в рамках одной терминологической системы. Различие в определении термина часто объясняется тем, что термин может быть более чем одним объектом науки одновременно. В статье анализируется, что синтаксический способ терминообразования доминирует в системе словообразования компьютерных и интернет-терминов в узбекском языке.

КИРИШ

Номинация нуктаи назаридан қаралганда, тарзида ясалган интернет терминлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган маъноларни ўзида мужассамлаштиради. Пропозиция миқёсида бу хилдаги терминларнинг тузилиши маълум семантик вазифаларни бажарадиган аргументларнинг маъносини ташкил этувчи семантик муносабатларни аниқлаш имконини беради. Янги номларда аввал мавжуд бўлган тайёр лексик маънолар иштирок этиши ва янги интернет терминларини ҳосил қилиш лаёқати тилнинг ички имкониятларига боғлиқ бўлиши, турли сўз яшаш усуллари ва моделларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланишини кўрсатади. Бундай интернет терминлари ассоциатив семантик усулда яратилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

В.Д. Табанакова терминни сўзлар ёки сўз бирикмалари қаторига киритиш йўли билан таҳлил этади. Шунингдек, терминнинг терминологик тизимга киритилишига оид таърифларда унинг специфик аҳамияти акс эттирилиши лозимлиги ва илмий тушунча билан алоқани очиш орқали терминнинг номинатив функциясини ва таърифда термин маъносининг тизимли характери ифодаланиши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтади.

Синтактик бириклар (сўз бирикмалари ва гаплар)нинг синтактик- семантик номутаносиблиги тилдаги шакл ва мазмун номутаносиблигининг ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Сўз бирикмаларининг мураккаб сўзларга айланиши жараёнлари сўз бирикмаларининг лексикализациясида намоён бўлади, мазкур термин яшаш усули мустақил сўз яшаш усулидан кўра кўпроқ сўз кўшиш вариантларидан бири сифатида кўриб чиқилсагина мақсадга мувофиқ бўлади. Сўз бирикмалари чуқур семантик маънога эга бўлса, шакли бўйича улар фразеологизмларга яқин бўлади, бироқ сўз бирикмаси шаклидаги терминларга улар таркибидаги элементларнинг барқарорлиги хос, аммо маъноларни образли кўчириш хос эмас.

Р.А. Будагов сўз бирикмаларининг мазмуни ҳақида шундай дейди: «Синтаксис ўзининг семантик категориясига эга. Семантик категориялар синтаксисда ҳам марказий мақомда бўлади. Мазмуний категориялардан ташқарида синтаксис ўзининг «руҳи»ни йўқотади ва шартли қоидаларнинг жонсиз мажмуасига айланади». Тил белгиларининг синтактик аспекти гапда сўзларнинг ўзаро бирикув қоидалари ҳисобланади. Сўзларнинг кўшилиши, унинг таркибидаги қисмларнинг тартиби маълум бир маъноларни ифода этади, масалан, *қора* ва *қути* сўзларининг ҳар хил тартибда кўшилишидан ҳар хил характердаги, ҳар хил маънодаги белгилар ҳосил бўлиши мумкин.

А.Н.Кононов сўз бирикмалари деганда, маълум бир маъно англатувчи ва синтактик жиҳатдан ўзига хос шаклий бутунликка эга бўлган икки ёки бир неча мустақил сўзларнинг бирикувидан ташкил топган предмет, ҳаракат ва белги ифодасини бера оладиган бирикмаларни тушунади. Синтактик бирликлар (сўз бирикмалари ва гаплар)нинг синтактик-семантик номуаносиблиги ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Бирикма терминлар масаласи доимо терминологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бунинг сабаби, илмий ва техникавий терминологияда бирикма терминларнинг салмоғи бошқа турдаги терминлардан анча кўп эканлиги билан изоҳланади. Ривожланган терминологик тизимларда бир сўзли ва икки сўзли терминлар нисбатан фаол учраши, кўп сўзли терминларнинг эса камроқ учраши кузатилади. Бироқ интернет терминологиясида икки ва ундан ортиқ компонентдан тузилган, сўз бирикмалари шаклидаги терминлар чоғиштирилаётган тиллардан тўпланган материалларнинг энг катта қисмини ташкил этади. Мисоллар келтирамиз:

Икки компонентли терминлар: *Фаол гипершорат*, *манзиллар китоби*, *Ада тили* ва ҳ.к.

Уч компонентли терминлар: *муҳофазанинг маъмурий чоралари*; *шифрланган матнга ҳужум* ва ҳ.к.

Тўрт ва ундан ортиқ компонентли терминлар: *ялтирашга қарши устки қатлам*; *ялтирашга қарши устки қатлам*; *автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва уларнинг технологияларини таъминлаш воситалари* ва ҳ.к.

Фаол гипершорат термини икки компонентли бўлиб, “боғламага ташриф буюрувчи веб-браузерда танланадиган гипер мурожаат” мазмунини билдиради. Фойдаланувчи гипер

муружаатга босганда у сичқонча тугмасини босиш ва бўшатиш орасида ўтган вақт ичида фаол бўлишни англатади.

Яна бир икки компонентли *Ада тили* термини эса, “юқори поғона дастурлаш тили. У 1970 йиллар охири 1980 йиллар бошида АҚШ Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан турли мақсадлар учун, бизнес кўлланмалардан тортиб аэронавигация тизимларигача ишлаб чиқилган. У *Pascal* тили асосида яратилган бўлиб, жиддий тўлдиришларга ва модулли тузилмага эга. У параллел амалларни бажариш ва мураккаб ахборот тизимлари яратишни таъминлаб, операцион тизимларга нисбатан юқори даражали мустақиллиги билан тавсифланади. Тил маълумотларга ҳақиқий вақт маромида параллел ишлов бериш воситаларини қувватлайди. Ада тили аналитик двигател – биринчи механик компьютер учун дастурлар ишлаб чиқишда иштирок этган, дунёдаги энг биринчи дастурчи деб ҳисобланадиган Август Ада Лавлейс (1815-52) шарофати билан шундай ном олган.

Уч компонентли *муҳофазанинг маъмурий чоралари* термини “хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни юргизиш чоралари. У муҳофаза тўғрисидаги ҳужжатлар талабларига кўра фаолият доираларида (масалан, хавфсизлик сиёсати ва уни юргизиш бўйича ҳужжатлар юритиш, объект жойлашиш жойини танлаш, назорат қилинадиган (текшириладиган) зонани ташкил қилиш, турли ташувчилардаги муҳофаза қилиш лозим бўлган маълумотларга эга ҳужжатларни қайд қилиш, сақлаш ва айланиш қоидаларини бажариш ва ҳ.к. назарда тутати.

Шифрланган матнга ҳужум – “фақат шифрланган матн асосида криптоаналитик уюштираётган таҳлилий ҳужум” тушунчасини билдиради.

Тўрт компонентли *ялтирашга қарши устки қатлам* термини “монитор экрани юзасига махсус, одатда кўп қатламли, пуркаш. Тушаётган ёруғликни тақсимлаб, ялтирашлар пайдо бўлишининг олдини олади. Ялтирашга қарши устки қатлам билан мониторларда, ҳатто жуда ёруғ хоналарда ҳам тасвир ҳар доим кескин фарқланиш ва ёрқин бўлиш” мъносини билдиради.

Кўп компонентли терминга *автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва уларнинг технологияларини таъминлаш воситалари* термини мисол қилиш мумкин. Ушбу термин “ахборот тизимларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланишни таъминлаш учун фойдаланиладиган ёки яратиладиган дастурий, техникавий, лингвистик, ҳуқуқий, ташкилий воситалар (компьютер учун дастурлар; ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари; луғатлар, тезауруслар ва таснифлагичлар; кўрсатмалар ва услубиятлар; қоидалар, низомлар, лавозим кўрсатмалари; чизмалар ва уларнинг таснифлари, бошқа фойдаланиш ва кузатиш ҳужжатлари)ни англатади.

Компьютер ва интернет терминлари, улар сўзлар ва сўз бирикмалари шаклида бўлишидан қатъий назар, лексик-семантик майдонда шаклланади, лексик-семантик парадигма қуради. Агар илмий билимнинг мантиқий тизими модели мавҳум билимнинг асосий

компоненти ҳисобланса, унда интернет терминлари тизими сўз ва сўз бирикмаларининг у ёки бу табиий миллий тилда ёрқин ифодаланган жамланмаси сифатида ушбу тилнинг лексик-семантик тизими парчаси сифатида намоён бўлади.

Лексик семантик майдонда шаклланган бирикмали терминларга *мутлақ ҳавола*, *мутлақ йўл*, *мутлақ манзил*, *мутлақ ишора мосламаси*, *мутлақ хавфсизлик идентификатори* каби терминларни мисол қилиш мумкин.

Кўриб турганимиздек, мутлақ лексемаси орқали компьютер ва интернет термини шаклланган:

мутлақ ишора мосламаси (от) ~ компьютер термини “жойлашуви бўлган механик ёки жисмоний ишора мосламаси экрандаги курсорнинг ҳолати билан боғлиқ. Масалан, агар графика фойдаланувчиси планшетнинг юқори ўнг бурчагида қалам жойлаштирса, курсор юқори экраннинг ўнг бурчаги ёки қалам билан боғланган экрандаги ойнага кучаяди” тушунчасини билдиради.

мутлақ хавфсизлик идентификатори (от)~ интернет термини “объект билан боғлиқ хавфсизлик маълумотларига кўрсаткичларни ўз ичига олган хавфсизлик идентификаторининг тузилиши” англатади.

Инглиз ва ўзбек тиллари компьютер ва интернет терминологиясининг муҳим салмоғини ташкил этган аббревиатуралар асосан сўз бирикмалари компонентларининг бош қисмлари асосида вужудга келган қисқартмалар бўлиб, улар бир нечта гуруҳларга ажралади: сўз бирикмаси компонентларининг бош ҳарфлари асосидаги аббревиатураларни ўз ичига олади. *Мутлақ* лексемаси ва қисқартма иштирокида ясалган интернет термини: *Мутлақ URL манзил* (*internet*) – термини “интернетда саҳифа ёки бошқа ресурс манзили. Мутлақ URL манзил таркиби баённомадан, масалан, “http”дан, тармоқда жойлашуви, ҳамда қўшимча йўл ва файл номидан иборат. Масалан, <http://www.gov.uz/> мутлақ URL манзили” маъносида келади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, барча соҳага оид терминлар номинатив функцияга эга бўлиб, номинациялаш жараёнида интернетга оид терминлар мавҳум ва конкрет тушунчаларни, жонли ва жонсиз предметларни, саналадиган ва санаб бўлмайдиган объектларни ифодалашга хизмат қилади. Ўзбекистон учун янги интернет тушунчаларни номинациялаш заруратини айтиш мумкинки, у ўз навбатида ўзбек тили лексик тизимида акс этмаганлигидан далолат беради. Компьютер ва интернет терминларини уч гуруҳга: қўшма сўз шаклидаги сўз бирикмаси жуфт сўз шаклидаги сўз бирикмаси сифатида таснифлаш мумкин. Компьютер технологиялари ва интернет тармоғида янги турдаги электроник восита, дастурий таъминот, хизмат турларининг вақт ўтган сайин яратилиши уларни номлаш заруратини келтириб чиқаради. Номинациянинг

моҳияти бирор бир лисоний белги орқали номни ифодаламайди, балки маълум бир мавҳумликни инсоннинг билиш фаолиятининг пировард натижаси сифатида талқин этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Будагов Р.А. Человек и его язык. –М.: МГУ, 1976. –С.176.
2. Розикова Г.З. Ўзбек тилида синтаксик полисемия. Автореф. филол.фан.ном...дис. – Тошкент, 1999. –34 Б.
3. http://studbooks.net/2097428/literatura/klassifikatsii_terminov
4. <http://slovaizbukv.ru/деривация.htm>